

## **Давлат дастури ижроси назоратда**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ““Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-22-сон Фармони имзоланди.

Мазкур Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган топшириқлар белгиланган муддатда ижроси таъминланмоқда.

Транспорт назорати инспекциясининг фаолиятини рақамлаштириш, қоғозбозликни олдини олиш мақсадида ички ҳужжат қабул қилинди. Унга мувофиқ, асосий фаолиятга оид буйруқ ва баёнларни “эдо.ижро.уз” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали келишиш ҳамда қабул қилиш жараёни йўлга қўйилди. Шунингдек, ташкилотнинг асосий фаолиятга оид қабул қилинган буйруқларини “Э-қарор” электрон тизими орқали жамоатчиликка эълон қилиб бориш бўйича мажбурий тартиб ўрнатилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунга қадар Инспекция томонидан қабул қилинган асосий фаолиятга оид 518 та буйруқ ҳамда уларга илова қилинадиган ҳужжатлар “Э-қарор” электрон тизими орқали жамоатчиликка эълон қилиб келинмоқда.

Давлат назорати функцияларини фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини қатъий таъминлашга йўналтириш мақсадида Транспорт назорати инспекцияси функциялари хатловдан ўтказилди ҳамда уларнинг рўйхати шакллантирилди. Мазкур функциялар таҳлил қилиниб, натижалари асосида ҳозирги вақтда Инспекциянинг назорат функцияларини фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлашга янада йўналтириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишлари амалга оширилмоқда.

**Транспорт назорати инспекцияси**  
**Ахборот хизмати**